

Қаюмов Абдухаким Абдухамидович,
Мирзо Улуғбек номли Ўзбекистон Миллий
университети, геология фанлари доктори,
профессор;
Адилов Ботир Болтаевич,
Мирзо Улуғбек номли Ўзбекистон Миллий
университети, иқтисод фанлари номзоди,
доцент

УРБАНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНИ: ҲОЗИРГИ ҲОЛАТ ВА ОҚИБАТЛАР

УДК:332.02

ҚАЮМОВ А.А., АДИЛОВ Б.Б. УРБАНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНИ: ҲОЗИРГИ ҲОЛАТ ВА ОҚИБАТЛАР

Мақолада «урбанизация» тушунчасининг мазмуни ва моҳияти, аҳамияти, омиллари ва оқибатлари таҳлилб келтирилган, урбанизациянинг худудий ҳусусиятлари ўрганилган, урбанизация жараёнида шаҳарларнинг аҳамияти баҳоланганд.

Таянч иборалар: урбанизация, шаҳар, шаҳарча, минақа, шаҳар турмуш тарзи, шаҳар агломерациялари, мегаполислар.

КАЮМОВ А.А., АДИЛОВ Б.Б. ПРОЦЕСС УРБАНИЗАЦИИ: НАСТОЯЩЕЕ ПОЛОЖЕНИЕ И ПОСЛЕДСТВИЯ

В статье приведён анализ сущности и содержания понятия «урбанизация», его роли, факторов и последствий, исследованы территориальные особенности урбанизации, оценено значение городов в процессе урбанизации.

Ключевые слова: урбанизация, город, городской поселок, регион, городской образ жизни, городские агломерации, мегаполисы.

QAYUMOV A.A., ADILOV B.B. PROCESS OF URBANIZATION: PRESENT CONDITIONS AND IMPLICATIONS

The article analyzes significance and content of urbanization, its factors and consequences; the territorial characteristics of urbanization are searched; the significance of city implementation was assessed.

Keywords: urbanization, city, town, region, city lifestyle, city agglomerations, mega polis.

Кириш. Бугунги миқёсли ижтимоий-иқтисодий ва геосиёсий ўзгаришлар даврида шаҳарларнинг ўсиши ва тараққий этиши тезлашиб, бениҳоя мураккаб, серқиррали урбанизация жараёнининг жамият ҳәётидаги ўрни ва аҳамияти кундан-кунга ошиб, кенгайиб боришини таъминламоқда. Шунинг учун ҳам ушбу жараённи ҳар томонлама ўрганиш нафақат назарий нуқтаи назардан, балки айrim регионал ва глобал миқёсдаги амалий масалалар, жумладан аҳоли ва у тарқалган, жойлашган манзилгоҳларнинг ҳудудий таркибини ҳамда ундан ҳам муҳим ва миқёсли вазифа – жамиятни ҳудудий ташкил этилғанлигини такомилластириш билан алоқадор муаммоларни ҳал қилишда зарурдир.

Урбанизация глобал хусусиятга эга, унинг қамрови доирасига у ёки бу даражада жаҳондаги барча мамлакатлар тушиб қолган. Лекин бунинг оқибати жаҳоннинг турли минтақаларида турлича бўлмоқда. Мамлакатларнинг бир қисмида шаҳарлар сони ва уларда мавжуд катта ва йирик шаҳарлар ҳамда шаҳар агломерацияларининг ривожланиши натижасида шаҳар турмуш тарзи тез ва катта миқёсларда ҳәётга сингаётган бўлса, бошқа гуруҳ мамлакатларida мазкур жараён энди-энди бошланмоқда. Оқибат натижада дунёда турли хил даражада ва хусусиятга эга урбанизация жараёни мавжуд ҳудудлар ажralиб чиқмоқда. Биринчи тоифадаги мамлакатларда урбанизация тўлақонли тарзда, «урбанизация элтувчи» сифатида ривожланмоқда. Уларга Япония, АҚШ, Фарбий Европа ва Австралия давлатлари киради. Иккинчи тоифадаги мамлакатларда урбанизациянинг «миқдор» билан алоқадор белгилари устун бўлиб, «урбанизация элтувчи» белгиси унчалик тараққий этмаган шаҳарларнинг чекка атрофларидан иборат, яъни Нигерия, Мексика, Ҳиндистон, Индонезия давлатларининг чекка шаҳарларидир (Ҳиндистоннинг Мумбай, Калькутта ва ҳ.к.).

Урбанизация жараёни ер шарининг доимий аҳолига эга барча қисмини қамраб олди. Ваҳоланки, жараён энди-энди шаклланиб ривожлана бошлаган даврни эсласак, шаҳарлар сони унчалик катта эмас эди.

Урбанизация атамаси лотинчадан «урбан» – «шаҳар» деган маънони англатади. Унга бир мунча кенг маънода назар солсак, у «шаҳарлар сони, шаҳар аҳолисининг ўсиши, шаҳар турмуш тарзининг тарқалиши» деган маънони билдиради. Шаҳарлар ижтимоий меҳнат тақсимотининг ҳудудий шакли бўлиб, дастлабки давларда табиий шароити қулай ҳудудларда нуқтасимон шаклда

пайдо бўлган. Бунда албатта оқар дарё ёки денгиз соҳили, бошқа сув манбаи – булоқнинг бўлиши у ерда хунармандчилик ва савдо-сотик, диннинг ривожланишига олиб келган. Худди шундай тарзда Фива, Бобил, Ур, Искандария, Рим, Афина, Карфаген, Самарқанд каби шаҳарлар вужудга келган. Булар қаторига Жанубий Американинг Перу давлатидаги ҳамда Шимолий Американинг Мексика давлатидаги шаҳарларни қўшишимиз мумкин. Лекин ушбу шаҳарларнинг катта қисми вақт ўтиши билан йўқ бўлиб кетди (Бобил, Ур, Карфаген, Фива ва бошқалар). Чунки бу шаҳарларнинг келиб чиқиши ва ривожланиши вақт ўзгариши билан ўrnashgan аҳолисини йўқотиб қўйиши мумкин бўлган омиллар (географик ўрни, диний аҳамияти) белгиланган эди. У давларда шаҳарларни барқарор ривожланишини таъминловчи улкан омил - машиналашган саноат ҳали вужудга келмаган эди.

Бугунги урбанизация ер юзасининг доимий аҳолиси мавжуд барча ҳудудларини қамраб олган. Лекин у ушбу маконнинг айrim ареалларида¹ интенсив тарзда амалга ошмоқда ва ўзига хос урбанизация ўчоқларини вужудга келтирмоқда. Ана шундай ўчоқларнинг дастлабки намуналари саноат ривожланган ҳудудларда шаклланиб, кейинчалик шимол ва жанубга, шарқ ва ғарбга томон тарқалди. Саноат инқилоби давридаги шаҳарлар ва бошқа минтақалардаги шаҳарлар ҳудудини ҳозирги шаҳарлар билан таққослаб бўлмайди, лекин улар томир каби Англия ва бошқа ҳудудларнинг шаҳарларининг келиб чиқиши ва ривожланишини таъминлади. Улар қаторига Бирменгем, Ливерпуль, Лондон, янги дунёда: Бостон, Филадельфия, Нью-Йорк хуллас шимоли-шарқий (Босваш) мегаполиси, ундан кейин Сан-Франциско, Лос-Анжелес шаҳарлари мавжуд Сан-Сан мегаполисини (Сан-Диего, Сан-Франциско, Лос-Анжелес) умуман Атлантика ва Тинч океани соҳилларида мегаполисларнинг вужудга келишини таъминлади. Юқоридаги мегаполислар йирик ва улкан шаҳарлар XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг биринчи ярмида Европа ва Осиёда вужудга келди. Улар қаторида Париж, Милан, Берлин, Рур (Германия) ҳавзасидаги шаҳарлар ҳамда Амстердам, Антверпен, Роттердам, Москва, Санкт-Петербург ва бошқалар ажralиб туради. Юқорида таъкидлаб ўтганларимиздан, урбанизация жараёнлари бўлмаётган ҳудуднинг

¹ Ареал «Area» инглизча сўзидан олинган бўлиб, ер юзасининг бир қисми деган маънони англатади.

ўзи йўқ, лекин шунга қарамай улар аҳолисининг сони 100 мингдан ортиқ катта ҳамда аҳолисининг сони 1 миллиондан ортиқ «миллионер» шаҳарлар атрофларида тез ривожланмоқда.

Тадқиқот мавзусининг долзарбилиги. Йирик шаҳарлар ва шаҳар агломерациялари урбанизациялашган асосий хусусиятларини элтувчи муҳим макон вазифасини бажармоқда. Улар аҳоли учун ўзига хос урбанизациялашган муҳит сифатида саноатнинг энг сўнгги, замонавий тармоқларининг фаолият кўрсатиши учун барча шарт-шароитларни яратиб бермоқда. Айнан мана шундай муҳитларда жамият билан табиат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ижобий ва салбий жиҳатлари ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда. Юқори даражада урбанизациялашган муҳит инсон, унинг меҳнат қилиши, турмуш кечириши ва дам олиши жараёнида вужудга келувчи эҳтиёжларини қондириш учун зарурий имкониятларни яратиб беради. Лекин шаҳар, у қанчалик катта бўлмасин, инсон эҳтиёжларини тўла-тўқис қондира олмайди. Бу вазифани юқори даражада урбанизациялашган муҳит, макон эплаши мумкин. Унинг маркази – ядроси йирик шаҳардан ташкил топган бўлиб, ҳудуди шаҳардан анча катта. Лекин унинг катта-кичклиги ва шакли аҳолининг кундалик ҳаракатлари билан белгиланади. Бунда ишга бориб келишда ўтилган масофа ва сарф бўлган вақт асос қилиб олинади.

Ушбу юқори урбанизациялашган муҳитда нуқтасимон концентрация шакли «ареал» шаклига алмашади. Энг муҳими ишлаб чиқаришнинг ҳудудий ташкил этилишининг муҳим шакли ҳисобланган концентрация ҳозирги замон фан ва техника тараққиёти бениҳоя юқори даражага етганида кооперациялашув ва ихтисослашув билан ҳамжихат тарзда такомиллашган инфратузилмага таяниб, жуда тез суръатларда ва юқори даражада ривожлана бошлади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, юқори даражада урбанизациялашган муҳит катта ва айниқса йирик шаҳарлар ва шаҳар агломерацияларидағина ўзининг ёрқин ифодасини топади. Бунга Тошкент агломерацияси мисол бўлиши мумкин. Ўзбекистонда шаклланаётган бошқа агломерациялар бундай мавқега кейинчалик эришиши мумкин (Фарғона-Марғилон, Самарқанд, Бухоро-Когон ва бошқ.). Энди қўйидаги урбанизациялашган ареал-мегаполислар – Токио-Осака-Нагоя, Мумбай, Дехли, Ченнау, Шанхай-Ухан, Пекин, Тянзин, Гуанжоу ва бошқалар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Осиёдаги урбанизациялашган ареал-мегаполислар Европа ва

Шимолий Америкадаги мегаполислардан фарқли ўлароқ тез фурсатда ва шиддат билан шаклланди. Агар Хитойдаги мегаполислар урбанизациялашган ареалларга қўйиладиган талабларга бирмунча тўлиқ жавоб берса, бундай хulosани Хиндистоннинг урбанизациялашган ареаллари тўғрисида шартли тарзда айтиш мумкин, чунки улар саноат ишлаб чиқариши юқори даражада ривожланганинг қарамасдан транспорт инфратузилмаси, ўй-жой билан таъминланганлик ҳолати унга мутаносиб эмаслиги билан ажralиб туради.

Тадқиқотнинг мақсади. Урбанизация жараёнига хос тенденциялар, унинг ҳозирги ҳолати ҳамда айрим натижалари, ҳудудий ташкил этилганини аниқлаш ва баҳолашдан иборат.

Шаҳар агломерацияларида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг концентрацияси кўп функцияли асосда илм-фан энг янги аҳборот хизматларига, замонавий талабларга жавоб берувчи кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга ва бошқа у билан алоқадор хизматларга таянч ҳолда амалга ошмоқда. Илм-фан ва бошқа номоддий фаолият соҳалари жуда юқори суръатларда ривожланди ва ўзининг шаҳар ҳосил қилувчи базавий тармоқлар ичида салмоғини тез фурсат ичида кескин ошиб кўпайишига эришди.

Лекин бундай ҳолат йирик саноат ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи ролини камайтирмаслиги зарур. Чунки айнан саноат ишлаб чиқариши урбанизация шаклланишининг дастлабки даврида ҳам, ҳозирги вақтда ҳам, яқин келажакда ҳам жуда муҳим, айрим ҳолларда ҳал қилувчи алоҳида аҳамият касб этувчи омилдир. Айнан саноат кўп функцияли асос ривожланишини таъминлайди. Шу билан бирга, саноат атроф-муҳитни ифлосланишига сабаб бўлмоқлигини таъкидлаб ўтиш зарур.

Тадқиқотнинг илмий моҳияти. Урбанизация жараёни ривожланишни белгилаб берувчи омилар ва шарт-шароитларни ҳамда мамлакат иқтисодий-ижтимоий тараққиёти билан қанчалик ҳамоҳанг эканлигини аниқлашга йўналтирилган бўлиб, урбанизация жараёнлари билан ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ўртасидаги алоқадорлик ва унинг оқибатларини баҳолашга қаратилган.

Тадқиқот методи – статистик метод кенг қўлланилган. Шу билан бирга қиёсий-географик, тарихий методлардан фойдаланилган. Шунинг учун урбанизация жараёни билан шуғулланаётган олим ва мутахассислар ҳеч қачон ушбу жараённинг моддий асоси саноат эканлигини эсдан чиқармаслиги зарур. Мабодо ана шундай хатога йўл қўйилса, урбанизация жараёнини бошқариш масаласи эъти-

1-расм. Дунё ва йирик регионларнинг урбанизациялашганлик даражаси (2017 йил, фоизларда)¹.

Худудлар	Урбанизация даражаси
Дунё бўйича	54
Ривожланган давлатлар	78
Ривожлангаётган давлатлар	49
Европа	74
Осие	48
Африка	41
Шимолий Америка	81
Лотин Америкаси	80
Австралия ва Океания	70
Ўзбекистон	50,6

бордан четда қолиши мумкин. Бундай ҳолат мазкур ўта мураккаб жараённи самарали бошқариш бўйича тавсия ва таклифлар ишлаб чиқишини қийинлаштиради.

Тадқиқотнинг асосий натижалари. Урбанизация оддий шаҳар аҳолиси сони ва салмоғининг кўпайишини кўрсатувчи, ижобий ва салбий оқибатларга олиб келувчи жараён эканлиги, урбанизация иқтисодий ривожланиш даражаси билан, айниқса индустраллаштириш жараёни билан алоқадорлиги, урбанизациянинг Ўзбекистонда шаклланиши ва ривожланишининг энг умумий хусусиятларига баҳо бериш билан ушбу тадқиқотни давом эттириш зарурлиги асослаб берилди. Урбанизация суръатлари ва даражаси тўғрисида сўз юритадиган бўлсан, кейинги йилларда дунё аҳолиси ичida шаҳар аҳолисининг улуши мунтазам равишда ошиб борган. XVIII асрнинг дастлабки даврида дунё аҳолисининг 3 фоиз атрофидағи қисми шаҳарларда яшаган. Бу кўрсаткич XIX аср бошига келиб 14 фоизга, 1950 йилда 29 фоизга, 1990 йилда 45 фоизга, 2001 йилда 47 фоизга тенг бўлди. Шаҳар аҳолисининг улуши 2010 йилда 50 фоиздан ошиб кетди, 2017 йилда эса 54 фоизга тенг бўлди².

Дунё ва ундаги йирик регионларнинг урбанизация даражаси 2017 йилда 1-жадвалдаги каби кўрсаткичларга эга бўлди.

Урбанизация жараёнининг Ўзбекистондаги ҳолати XX асрнинг иккинчи ярмида деярли кам ўзгарди. Урбанизациянинг умумий даражаси янги асргача бўлган даврда 36,5-37,5 фоиз ўртасида

сақланиб қолди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилдаги 66-сон қарорига биноан республикада қатор қишлоқ фуқаролари йиғинлари ва катта қишлоқлар шаҳарчалар қаторига ўтказилди. Бунинг натижасида шаҳарчалар сони 113 тадан 1085 тага етказилди ёки 972 тага кўпайтирилди. Урбанизация даражаси 2009 йилда 51,6 фоизни ташкил этди. Кейинчалик ушбу кўрсаткич қисқариб 2017 йилда 50,6 фоизга тушиб қолди. Бир қараганда Ўзбекистонда урбанизация даражаси талаб даражасига етгандай бўлиб туюлади. Биз урбанизацияга берган таърифимизнинг биринчи қисмида шаҳарлар сони ва шаҳар аҳолисининг ўсиши деб таъкидлаган эдик. Ҳақиқатан ҳам шундай бўляпти, лекин таърифнинг иккинчи қисми бажарилгани йўқ. Шаҳар аҳолисининг улуши 50,6 фоизга етган бўлса ҳам, 972 та аҳоли пункти шаҳарчалар сонини 1085 тага этишини таъминлаган бўлса ҳам, аҳоли пунктларининг ичida битта ҳам «урбанизация элтувчи» шаҳар вужудга келмади. Янги аҳоли пунктларининг барчаси шаҳарчалар қаторига қўшилди. Шаҳарлар сони эса чорак аср олдин қанча бўлса, шунчалигича (119) қолди³.

Хунос ва таклифлар. Урбанизация одамлар ўртасида мулоқот ўрнатиш учун қулай ҳисобланган ҳаёт турмуш тарзини шакллантиради, касбий йўналишни ўзgartирали, аҳолининг ижтимоий фаoliyatini кескин оширади. Ўзбекистонда урбанизация жараёнининг ҳозирги ҳолатини яна ҳам

¹ Госкомстат Республики Узбекистана. Статистический ежегодник. - Т., 2018. -С. 145-147.

² Экономическая урбанизация. - М.: Фонд «Институт экономики города», 2018. -С. 109-110.

³ Госкомстат Узбекистана. Статистический ежегодник. - Т., 2018. -С. 187-189.

кенг ва чуқур тадқиқ этишда илмий ва амалий жараёнлар аҳамияти ошиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги «Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5623-сон фармони юртимиздаги урбанизация жараёнларининг асосий йўналишларини белгилаб берди. Фармонда мамлакатда урбанизация жараёнларининг биринчи йўналиши сифатида мутлақо янги уй-жой сиёсатини амалга ошириш, шу жумладан, кам ва ўрта даромадли оиласлар учун арzonлаштирилган турар жойларни қуришга йўналтирилган инвестицияларни қўллаб-қувватлаш белгиланди. Фармоннинг яна бир муҳим жиҳати, охирги йилларда қишлоқ жойларда яшаётган аҳолининг шаҳарларга кўчишига бўлган маъмурӣ тўсиқларни бартараф этишга қаратилганлигидир. Фармонда мамлакатимизда урбанизация жараёни ривожланишини таъминлаш билан алоқадор масалаларнинг деярли барчаси ўзининг ечимини топмоқда.

Шу билан бирга шаҳарларнинг худудий ташкил этилганлиги, худудий таркиби уларнинг самарали фаолият кўрсатишини кўп жиҳатдан белгилаб беради. Шаҳарлар сонининг кўпайиб, урбанизация жараёнининг чуқурлашиши уларнинг ичидаги катта ва йирик шаҳарлар сони ва улушининг ўсиши билан боғланган. Бундай шаҳарлар урбанизация жараёни ривожланишини белгилаб

бериши билан бирга атроф-муҳитнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида «ўсиш қутблари» вазифасини ҳам бажаради. Бу ўринда йирик рус шаҳаршунос олими Г.М.Лаппонинг қуидаги сўзлари ўринлидир: «Шаҳарлар худудининг иқтисодий каркаси, аҳоли пунктлари тизимида раҳбар, қўмондон бўлиб хизмат қиласди. Энг муҳими якка шаҳар эмас, балки шаҳар агломерацияларининг атроф-муҳит билан ўзаро алоқадорлиги унинг бажараётган вазифаларини ҳам, унда яшаётган одамларнинг юриш-туришига ҳам жуда катта таъсир кўрсатади. Агар у «урбанизация элтувчи» ҳисобланса, таъсир самарадорлиги яна ҳам ошади, кучайди. Чунки унда мамлакат иқтисодий салоҳиятининг катта қисми тўпланганилиги сабабли, уни «ривожланиш қутби» деб ҳам аташ мумкин.

Бир қараганда пойтахт минтақасига хос кўрсаткичлар унчалик катта эмасдек туюлади. Аслида урбанизация жараёнида миқдор эмас, балки сифат, яна ҳам аниқроқ қилиб айтганда «шаҳар турмуш тарзи»ни элтувчи катта ва йирик шаҳарларнинг мавжудлиги ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бундай шаҳарлар эса Тошкент минтақасида анча сероб. Мазкур ҳолат юқорида таъкидланган фикрларимизни яна бир бор тасдиқлайди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги «Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5623-сон фармони.
2. Лаппо Г.М. Рассказы о городах. – М.: «Мысль», 1972. -С. 3.
3. География ва глобализация: назария ва амалиёт. Халқаро-илмий амалий конференция материаллари. – Андижон: 2018. -617-6.
4. Қаюмов А.А. Шаҳарлар ва шаҳар агломерацияларининг минтақа ривожланишидаги аҳамиятини тадқиқ этишнинг илмий асослари. // «География ва глобализация: назария ва амалиёт» мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Андижон, 2018. -11-16-6.
5. Худяев И.А. Эволюция пространственно-иерархической структуры региональных систем расселения. Автореферат диссертации на соискателя ученой степени кандидата географических наук. – М., 2010. -С. 23.
6. Косарева Н.Б., Полиди Т.Д. Экономическая урбанизация. - М.: Фонд «Институт экономики города», 2018. -С. 419.
7. Экономисты — за урбанизацию. Как миграция в Ташкент обогатит Узбекистан. - Kimmersant.uz, 2017.13.04 (1587).